

№ 01-15
13.12.2024 й.

“Тасдиқлайман”

Республика олий таълим
кенгаши раиси



О.К. Абдурахманов

2024 йил 19 декабрь

Республика олий таълим кенгаши мажлисининг
1 -сон баёни

2024 йил “29” ноябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: О.К. Абдурахманов – Республика олий таълим кенгаши раиси

Қатнашдилар: Қ.А. Шарипов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси масъул ходимлари, олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари), Республика олий таълим кенгаши аъзолари (рўйхат буйича).

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палаталарида сўзлаган нутқларида белгиланган стратегик вазифалар ижроси тўғрисида.

2. Республика олий таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, муаммо ва камчиликлар ҳамда истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида.

3. Республика олий таълим кенгашининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Турли масалалар.

(Абдурахманов, Шарипов, Далиев, Саъдуллаев, Худайкулов, Махкамов, Саттаров, Атаханов, Қудратхўжа, Абдурахманов)

Республика олий таълим кенгаши раиси О.К. Абдурахманов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги таркибдаги биринчи мажлиси, 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенати биринчи мажлиси ҳамда 20 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган йиғилишда кўтарилган ташаббуслар, белгилаб берилган вазифалар ижросини сўзсиз ва сифатли ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Давлат Раҳбари томонидан нақадар таҳликали, нотинч глобал дунёда яшаётганимиз, бўлаётган чақириқларга нисбатан барча яна бир бор огоҳ бўлиши, республика мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебаҳо бойлик сифатида асраш ва ҳимоя қилиш зарурлиги таъкидланди;

Бунда иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича 2030 йилга қадар қуйидаги қатор вазифалар белгиланди:

– ялпи ички маҳсулот ҳажмини 200 млрд долларга етказиш (2024 йилда 110 млрд долларга етади);

– аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш (2018 йилда 1 600 доллар, 2024 йилда 3 минг долларга етади);

– камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш (сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди, 2024 йил 9 фоизга тушади);

– тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш, бу орқали аҳолининг ўртача умр даражасини 78 ёшга етказишни таъминлаш.

Ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш, уларни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, илм-фан, Ай-Ти технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан шуғулланишлари учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши зарурлиги таъкидланди.

Мазкур учта мажлисда белгилаб берилган стратегик вазифаларни ҳар бир олий таълим ташкилоти ректори синчиклаб ўрганиб чиқиши, ўзи бошқараётган ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаши ҳамда вертикал бўйича жамоага тўлақонли етказилиши юзасидан келишилди.

Олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлиги, бироқ соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан:

биринчидан, олий таълимда миқдор кўрсаткичларга эришилди, лекин сифат кўрсаткичларига эришишда қолоқликларга йўл қўйилган;

иккинчидан, бакалаврият таълим йўналишлари 306 тадан 183 тага қисқартирилиб, янги Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори қабул қилинди. Лекин, аксарият олий таълим ташкилотлари ўқув йилини ушбу ҳужжатга риоя қилмаган ҳолда таълим жараёнини йўлга қўйиб келмоқда;

учинчидан, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори асосида малака талаблари, ўқув режа ва 4 мингга яқин фан дастурларини тубдан янгилаш бўйича белгилаб берилган топшириқ тўлиқ бажарилмаган;

тўртинчидан, бир қатор олий таълим ташкилотларини трансформацияси қилиш бўйича берилган топшириқлар ижроси бошланмаган;

бешинчидан, қабул параметрларини шакллантириш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иш берувчилар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаган, меҳнат бозори эҳтиёжлари (талаб ва таклиф) тўлиқ инobatга олинмаган.

Масалан, раҳбарият томонидан педагогика соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича берилган топшириқлар бажарилмаганлиги оқибатида олийгоҳлар битирувчилари ва меҳнат бозори талаби ўртасида номутаносиблик вужудга келмоқда;

олтинчидан, муҳандис кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда саноат ҳамкорлари билан биргаликда олий муҳандислик мактабларини ташкил этиш, дуал таълимни йўлга қўйиш, корхоналарда кафедра филиалларини очишга оид топшириқлар ижроси суст ташкил этилган;

еттинчидан, олий таълим ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти ҳам замон талабларига мувофиқ эмас, илмий ишлар самарадорлиги суст, илмий ишлар мавзулари республика устувор ривожланиш йўналишлари билан боғланмаганлиги натижасида бажарилган илмий лойиҳалар реал иқтисодиёт тармоқлари талабларига мос келмаяпти;

саккизинчидан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан олий таълим ташкилотларида ягона регулятив тартибни йўлга қўйиш, ўзаро уйғун сиёсатни олиб бориш бўйича таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқилмаган.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан мажлис қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси янги таркибидаги биринчи мажлиси, 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенати биринчи мажлиси ҳамда 20 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисда белгиланган вазифалар ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 декабрдаги 1037-сон қарори билан тасдиқланган Республика олий таълим кенгаши тўғрисида низомнинг 15-бандига мувофиқ Республика олий таълим кенгаши аъзоларининг берган кўпчилик овози билан унинг таркибига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Олий таълим тизимида натижадорликка эришиш, янги ташаббусларни ишлаб чиқиш, замонавий фикрлайдиган амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқувчи Республика олий таълим кенгаши ҳузуридаги кичик лойиҳа гуруҳлари раҳбарлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Қ.Шарипов) Республика олий таълим кенгаши (О.Абдурахманов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталари мажлисларида билдирилган ташаббусларни амалга ошириш ҳамда белгилаб берилган стратегик вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ижро қилиш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаб, бажарилишини назоратга олсин;

10 кун муддатда Давлат Раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталари мажлисларида илгари сурилган ташаббусларни олий таълим ташкилоти проректорлари, деканлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари, олимлари, илмий изланувчи ва талабаларга бошқарув вертикали бўйича тўлақонли етказиш чораларини кўрсин;

икки ҳафта муддатда олий таълим ташкилоти масъул ходимларидан иборат тарғибот гуруҳларини тузган ҳолда, режа-график асосида мазкур ташаббусларни **кенг жамоатчиликка, маҳаллалардаги ёшларга** етказсин.

4. Республика олий таълим кенгаши (Ш.Қудратхўжа) Давлат Раҳбари томонидан билдирилган ташаббуслар, белгиланган топшириқлар бўйича оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда олий таълим ташкилотлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг чиқишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари)нинг олий таълим сифатини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, моддий-техника базани ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари **етарли даражада эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.**

6. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари):

2025 йил 15 январга қадар 2025-2027 йилларда олий таълим ташкилотида таълим сифатини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, моддий-техника базани модернизация қилиш ҳамда ўқув, илмий, молиявий ва маъмурий жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи **“йўл харита”**сини ишлаб чиқсин;

ишлаб чиқилган **“йўл харита”**лари лойиҳаларини тасдиқланган режа-жадвал асосида Республика олий таълим кенгаши мажлисларида ҳимоя қилсин.

7. Республикада амалга оширилаётган таълимга оид сиёсатни кўллаб-қувватлаш, зарур ҳолларда, олий таълим ташкилотлари ва уларнинг талабалари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим хизматлари бозорида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида ҳамда давлат олий таълим ташкилотлари томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг **Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига 4 фоиз** миқдорда ажратмалар йўналтирилаётганини инобатга олиб, нодавлат олий таълим ташкилотлари томонидан **молия йили якунида тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг мазкур маблағлар бўйича молия йили охирига қолдиғининг 4 фоиз қисмини** Республика олий таълим кенгашига йўналтириш амалиётини жорий этиш тўғрисидаги нодавлат олий таълим ташкилотлари раҳбарларининг таклифи қўллаб-қувватлансин.

8. Республика олий таълим кенгаши (Ш.Далиев):

бир ҳафта муддатда Республика олий таълим кенгаши ва нодавлат олий таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган мазкур маблағларни йўналтиришни назарда тутувчи намунавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқсин;

2024 йил 25 декабрга қадар барча нодавлат олий ташкилотлари билан шартномалар расмийлаштириш чораларини кўрсин.

2025 йил 25 январга қадар шартномада белгиланган маблағларнинг Республика олий таълим кенгашига келиб тушишини таъминласин.

9. Куйидагилар кичик лойиҳа гуруҳларининг вазифалари этиб белгилансин:

фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, соҳани ривожлантириш юзасидан **асосланган таклифлар** ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган таклиф ва таҳлилий материалларни Республика олий таълим кенгаши мажлисларида тақдимот қилган ҳолда уларни **республика олийгоҳларида татбиқ этиш** чораларини кўриш;

ўзига юклатилган масала (бириктирилган соҳа) бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда **таҳлилий материаллар** киритиб бориш;

олий таълим ташкилотларида ёшларнинг маданият ва санъат муассасаларига ташрифини тизимли йўлга кўйиш, уларни ички туризмга кенг жалб этиш, спорт билан шуғулланиши бўйича **ташаббусли лойиҳалар** ишлаб чиқиш;

малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ўқув, илмий, молиявий ва маъмурий жараёнларни рақамлаштириш бўйича илғор хорижий тажриба асосида **тавсиялар** ишлаб чиқиш;

иш берувчилар, саноат ҳамкорлари билан самарали интеграцияни йўлга кўйишнинг **асосий мезонларини** ишлаб чиқиш;

олий таълим ташкилотларини халқаро рейтингларда юкори ўринларга киритиш бўйича **мақсадли режаларни** белгилаш;

“Яшил макон” дастурини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича олий таълим намунасини ташкил этиш юзасидан **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқиш.

10. Белгилансинки:

кичик лойиҳа гуруҳлари раҳбарлари гуруҳ таркибига соҳада узоқ йиллик тажриба ва малакага эга бошқа олий таълим ташкилотлари раҳбарлари, эксперт-мутахассисларини жалб этишлари мумкин;

кичик лойиҳа гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган барча таклифлар ва таҳлилий материаллар Республика олий таълим кенгаши мажлисларида кўриб чиқилади.

11. Республика олий таълим кенгаши (А.Худайкулов) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Ш.Далиев, О.Махкамов, Ш.Ражаббаев, А.Юсупов) билан биргаликда куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин:

олий таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш, қабул жараёнларини унификация қилиш, бошқарув тизимини тартибга солишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари;

нодавлат олий таълим хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари;

профессор-ўқитувчиларни мақбуллаштирилган мезонлар асосида ишга қабул қилиш ва баҳолаш, якуний давлат аттестациясини мувофиқлаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари;

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият, олий таълимдан кейинги таълимни такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари.

12. Республика олий таълим кенгаши (Ш.Далиев):

2024 йил 25 декабрга қадар “Nemis” ахборот тизимини такомиллаштириш, унинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан олий таълим ташкилотлари ўқув ва илмий ишлари бўйича проректорлари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга масъул раҳбар ва ходимлари иштирокида тақдимот-учрашувини ўтказсин;

2025 йил 15 январга қадар тақдимот натижалари ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Nemis” ахборот тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин.

13. Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.А. Шариповнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумат ҳужжатларида белгиланган вазифаларга мувофиқ олий таълим ташкилотларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантиришга оид топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш ҳамда қатъий назорат тизимини ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, олий таълим ташкилоти томонидан ўз вақтида ижроси таъминланмаган топшириқлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида ҳафтанинг **сешанба ва пайшанба кунлари** бўлиб ўтадиган **картотека мажлисларида** танқидий муҳокама қилинади ва ректорлар ҳисоботи эшитилади.

14. Олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари томонидан хорижий давлатларга амалга ошираётган хизмат сафарлари сони кўпайган бўлсада, эришилаётган келишувлар амалий натижа бермаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

15. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари):

хорижий хизмат сафарларини амалга ошириш юзасидан таклифларни хизмат сафарига боришдан **камида 20 кун аввал** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига киритиб боришни таъминласин;

хорижий хизмат сафари юзасидан асослантирувчи ҳужжатлар, сафарга бориш мақсадлари, режа-топшириқ ҳамда делегация таркибини тақдим этсин;

хизмат сафари давомида илғор тажриба билан танишиш, келгусида таълим ташкилоти ривожланиши учун манфаат олиб келадиган ҳамда мамлакатнинг юксалишига ҳисса қўшадиган **меморандумлар** (бошқа ҳужжатлар в.х.) имзолаш, шунингдек, хизмат сафари якуни юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига амалий ҳисобот киритишни йўлга қўйсин.

Белгилансинки, **Республика олий таълим кенгаши** (Ш.Далиев) олий таълим ташкилотлари томонидан имзоланган меморандумларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида яратиладиган **“Хорижий сафарлар самарадорлиги”** платформаси орқали рўйхатдан ўтказиш чорасини кўради.

16. Олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари)нинг:

2025 йил **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт йили”**да республикамизда кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кўллаб-қувватлаш, **“олий таълим намунаси”**ни яратиш мақсадида олий таълим ташкилотлари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг **бир кунлик иш ҳақини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига йўналтириш** ташаббуси;

олий таълим ташкилотлари талаба-ёшларининг маданият ва санъат муассасаларига ташрифини тизимли йўлга қўйиш, уларни ички туризмга кенг жалб қилиш, спорт билан шуғулланиши учун олийгоҳ ва маҳаллаларда спорт майдончаларини ташкил этиш, умумий фойдаланиш объектларини (ҳожатхоналарни) қуриш мақсадида ҳар йили **ҳар бир олийгоҳ талабаси бошига** меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **10 фоизини ажратиш** таклифи маъқуллансин.

17. Республика олий таълим кенгаши (Ш.Далиев)га бир ой муддатда 16-бандда кўрсатилган маблағларни **ягона платформа орқали жамлашнинг шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш** вазифаси топширилсин.

18. Республика олий таълим кенгаши (А.Хасанов) **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** (С.Бузрукхонов, Ш.Атаханов) билан ҳамкорликда **икки ой муддатда олий таълим ташкилотидаги “Ректор маслаҳатчиси – ёшлар билан ишлаш бўйича проректор – тьютор” занжири асосида ўқувчи-талабалар билан ишлашнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин ҳамда доимий равишда ҳар бир олийгоҳ, ҳар бир ректор фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда самарадорликни баҳолаш тизимини йўлга қўйсин.**

19. Молиявий ҳисобдорликни таъминлашга ҳар бир олий таълим ташкилотлари раҳбари шахсан масъул ва жавобгарлиги, улар томонидан молиявий хато ва камчиликларни олдини олиш бўйича **комплекс чоратадбирлар** ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилсин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Қ.Шарипов) соҳа бўйича ягона давлат сиёсатини олиб борувчи ташкилот сифатида олий таълим ташкилотлари молиявий фаолиятини **ички назорат асосида тартибга солиб бориши** белгилансин.

20. Хорижий фуқароларга таълим беришнинг самарали тизимини яратиш, миллий анъаналаримиз, қадрият ҳамда менталитетимизга мос тарбия беришнинг тартибларини такомиллаштириш мақсадида Республика олий таълим кенгаши ҳузурида **Хорижий талабалар ва халқаро мобиллик маркази** ташкил этилсин.

Марказга қуйидаги вазифалар юклансин:

олийгоҳларда хорижий фуқароларни ўқитиш бўйича фаолиятни умумий мувофиқлаштириш, жумладан, олийгоҳларнинг хорижий фуқаролар учун қабул параметрларини шакллантириш, улар учун ички тартиб қоидалари ва олийгоҳдан ташқаридаги фаолияти бўйича алоҳида шартномалар намунасини, шунингдек, хорижий консалтинг хизматларидан фойдаланишда мажбуриятлар бўйича тартибни ишлаб чиқиш;

хорижий талабаларнинг республика олийгоҳларига ҳужжат топширишидан бошлаб, ўқишни яқунлаганига қадар фаолиятини мониторинг қилиб боровчи онлайн платформани ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

хорижий талабалар билан ишлаш, уларнинг тарбияси, маънавияти билан алоҳида шуғулланишида тьюторлар масъулиятини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий фуқароларга олийгоҳларда масофавий, аралаш таълим олиш имкониятларини кенгайтириш. Бунда, олийгоҳларда масофавий таълим инфратузилмаси ва ресурслари сони ва сифатини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

21. Республика олий таълим кенгаши (Ш.Далиев) икки ҳафта муддатда олий таълим ташкилотлари масъулларини жалб этган ҳолда республика олийгоҳларига ўқишга қабул қилинган хорижий фуқаролар учун ички тартиб қоидалари ва олийгоҳдан ташқаридаги фаолияти бўйича намунавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этсин.

22. Ушбу баён бажарилишини назорат қилиш Республика олий таълим кенгаши раиси ўринбосарлари А.Хасанов, А.Худайкулов ҳамда Ш.Далиев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим кенгашини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 декабрдаги 1037-сон қарорига 3-илова қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Республика олий таълим кенгаши
ТАРКИБИ**

1. О.К. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари, Тошкент давлат транспорт университети ректори, *Кенгаш раиси*
2. А.А. Хасанов – Республика маънавият ва маърифат маркази директори, *Кенгаш раиси ўринбосари*
3. А.Ю. Худайкулов – “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси директори, *Кенгаш раиси ўринбосари*
4. Ш.Х. Далиев – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари, *Кенгаш раиси ўринбосари*
5. Х.Ф. Сагтаров – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси
6. Р.Р. Абдураупов – Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети ректори
7. И.У. Маджидов – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори
8. А.М. Реймов – Қорақалпоқ давлат университети ректори
9. Ш.Т. Кудратхўжа – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори
10. Ш.И. Мустафакулов – Халқаро Нордик университети ректори
11. Ж.А. Ризаев – Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори”

**Республика олий таълим кенгаши хузуридаги
кичик лойиха гуруҳлари раҳбарлари
РЎЙХАТИ**

1. Норматив-ҳуқуқий лойиҳаларни ишлаб чиқиш гуруҳи

Худайкулов – Лойиҳа офиси директори
Адҳам Юсупович

2. Ўқув-методик мувофиқлаштириш гуруҳи

Маджидов – Ўзбекистон Миллий университети ректори
Ином Уришевич

3. Илмий-инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш гуруҳи

Ҳамидов – Бухоро давлат университети ректори
Обиджон Хафизович

3. Молиявий барқарорликни таъминлаш масалалари гуруҳи

Набиев – Қарши давлат университети ректори
Дилмурод Хамидуллаевич

4. Ёшлар тарбияси, маънавий ишларни мувофиқлаштириш гуруҳи

Тошқулов – Термиз давлат университети ректори
Абдуқодир Ҳамидович

5. Педагогик кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштириш гуруҳи

Мустафакулов – Халқаро Нордик университети ректори
Шерзод Игамбердиевич

6. Хорижий тилларни ўқитиш масалаларини мувофиқлаштириш гуруҳи

Ходжаев – “Tashkent international university of education”
Носир Нодирович университети ректори

7. Таълимда рақамли технологияларни жорий этиш ва технологиялар трансферини мувофиқлаштириш гуруҳи

Абдураупов – Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар
Рустам Рамзович университети ректори

8. Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш гуруҳи

Кудратхўжа – Ўзбекистон журналистика ва оммавий
Шерзод Тожиддинхон ўғли коммуникациялар университети ректори

9. Соғлом турмуш тарзи, спорт масалалари гуруҳи

Ризаев – Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори
Жасур Алимжанович

10. Умумий фойдаланиш объектларини қуришни мувофиқлаштириш гуруҳи

Тўлаганов – Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори
Баҳром Абдукабилович

11. Муҳандислик таълими, муҳандислик мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи

Тўйчиев – Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети
Олимжон Алижонович ректори

12. Туризм таълими, туризм масалаларини мувофиқлаштириш гуруҳи

Заҳидов – Қўқон университети ректори
Ғофур Эркинович

13. Театр, кино, мақом масалаларини мувофиқлаштириш гуруҳи

Сайфуллаев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Нодир Бахтиярович ректори

14. “Яшил макон” ташаббусларини мувофиқлаштириш гуруҳи

Салихов – Марказий осий атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини
Жасур Шавкатович ўрганиш университети ректори в.в.б.